

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НАМАНГАН МУХАНДИСЛИК-ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ТЕХНОЛОГИЯ ФАКУЛТЕТИ

Касб таълими (Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш)

кафедраси

37-38-КТКХМ-12 гуруҳ талабаси

АБДУЛЛАЕВА ГУЛЗОДА АБДУРАЗЗОҚҚИЗИНИНГ

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Мавзу: КХКларда қишлоқ хўжалик экинларининг касалликлари ва зарақунандалари хамда уларга қарши кўраш мавзусини кластер стратегиясидан фойдаланиб ўқитиш услубини ишлаб чиқиш.

НАМАНГАН 2012 йил

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН МУХАНДИСЛИК-ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ТЕХНОЛОГИЯ ФАКУЛТЕТИ

Технология факултети декани

_____ доц. М.Хусаинов

«_____» _____ 2016 йил

Химояга рухсат этилсин:

Касб таълими (Қишлоқ хўжалигини
механизация-лаштириш) кафедраси

мудири

_____ проф. Н. Бойбобоев

«_____» _____ 2016 йил

Бакалавр даражасини олиш учун

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Мавзу: КХКларда қишлоқ хўжалик экинларининг касалликлари ва зарақунандалари хамда уларга қарши кўраш мавзусини кластер стратегиясидан фойдаланиб ўқитиш услубини ишлаб чиқиш.

Диплом лойихасини бажарди:

5140900-Касб таълими (Қишлоқ

хўжалигини механизациялаштириш)

таълим йўналишининг 4-қўрс талабаси

Г.Абдуллаева

БМИ раҳбари:

доц.А.Дадахўжаев

Маслаҳатчи:

доц.Б.Ахмедов

Наманган – 2012 йил

Реферат

Битирув малакавий иши вароқ тушунтирув ёзуви ва вароқ чизма қисмидан иборат. Тушунтирув ёзуви кириш, умумий қисм, технологик, методик қисм, малакавий ишнинг самарадорлиги, ҳаёт фаолияти хавфсизлиги, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Қишлоқ хўжалик касб хунари коллежларида қишлоқ хўжалиги экинларининг касалликлари ва заррақунандалари ҳамда уларга қарши кўраш жуда долзарб масала ҳисобланиб битирув малакавий ишда юқоридаги мавзунини ўқитишда янги педагогик технологиялар асосида ўқитиш. Интерфаол ўқитишнинг кластер услубини афзалликлари ҳар томонлама очиқ берилган ва шу услубда ўқитишнинг дарс ишланмаси ишлаб чиқилган, БМИ мавзусини долзарблиги, мақсад ва вазифаларини асослаб берилган. Замонавий педагогик технологиялар билан баён этилган. Дарсни ташкил этиш, мавзунини ўқитишда кўргазмалар ва дидактик материаллар, дарс тақсими ҳақида маълумотлар берилган.

Малакавий ишнинг самарадорлиги ҳамда таклиф этилган ечимнинг самарадорлик кўрсаткичлари, шунингдек ҳаёт фаолияти хавфсизлиги бўйича чора-тадбирлар билан асосланган.

Мундарижа

Кириш

Умумий қисм.....	7
1.1. Тўрақўрғон қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежи тавсифи.....	7
1.2. Малака таснифи.....	7
1.3. Битирув малака ишини асослаш.....	8
1.4. Касб хунар коллежининг моддий-техника базасининг тахлили.....	9
1.5. Касб хунар коллежидаги методик ишлар тахлили.....	11
1.6. Ўсимликларни кимёвий ва биологик услублар билан химоялаш.....	12
2. Технологик қисм.....	13
2.1. Ўсимликларни кимёвий химоя килувчи машиналарнинг ҳозирги вақтдаги ҳолати ва ривожланиши.....	13
2.2 Ўсимликларни кимёвий химоя килувчи машиналарнинг ҳозирги вақтдаги Ҳолати.....	14
2.3. қишлоқ хўжалик екинларининг касалликлари ва зараркунандалари ҳамда .уларга қарши кўраш машиналари.....	16
2.4. ОВХ-600 пуркагичнинг вазифаси.....	18
2.5 Пуркагичнинг умумий тузилиши.....	18
3. Методик қисм.....	24
3.1. “КХК ларда қишлоқ хўжалик екинларини касалликлари ва зараркунандалари ҳамда уларга қарши кўраш мавзусини кластер стратегиясидан фойдаланиб ўқитиш услубини ишлаб чиқиш” мавзусини ўқитишда кластер усуллари дан фойдаланиш.....	24
3.2 Ўқитишнинг интерфаол усуллари куйидагилардан иборат.....	24
Хулоса.....	31
Фойдаланилган адабиётлар.....	32

Кириш

Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя етилишини, жамиятнинг маънавий янгилалини, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришни, жаҳон ҳамжамиятига қўшилишини таъминлайдиган демократик ҳуқуқий давлат ва очиқ фуқаролик жамиятиқурмоқда. Инсон, унинг ҳар томонлама камол топиши ва фаровонлиги, шахс манфаатларини руёбга чиқаришни шароитларини ва таъсирчан механизмларини яратиш, ескирган тафаккур ва ижтимоий ҳуқ атворнинг андозаларини ўзгартириш республикамизда амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсади ва ҳаракатлантирувчи кучидир. Халқнинг бой интеллектуал мероси ва умумбашарийқадриятлар асосида замонавий маданият, иқтисодиёт, фан, техника ва психологияларнинг ютуқлари асосида кадрлар тайёрлашнинг мукамал тизимини шакллантириш Ўзбекистон Республикаси тараққиётининг муҳим шартидир.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», «таълим тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикасиқонунингқоидаларига мувофиқ ҳолда тайёрланган бўлиб, миллий тажрибанинг таҳлили ва таълим тизимидаги жаҳон миқёсидаги ютуқлар асосида тайёрланган ҳамда юксак умумий ва касб-хунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётга мустақил равишда мўлжални тўғри ола билиш маҳоратига ега бўлган, истиқбол вазифаларини илгари суриш ва ҳал етишгақодир кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга йўналтирилган.

Дастур кадрлар тайёрлаш миллий моделини руёбга чиқаришни ҳар томонлама камол топган жамиятга турмушга мослашган таълим ва касб-хунар дастурларини онгли равишда танлаш ва кейинчалик пухта ўзлаштириш учун ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, психологик-педагогик ва бошқа тарздаги шароитларни яратиш, жамият, давлат ва оила олдида Ўз жавобгарлигини ҳис етадиган фуқароларни тарбиялашни назарда тутди.

Бундай кадрлар Олий таълим тизимини икки босқичида-бакалавриатура ва магистратурада тайёрланади. Бакалавриат дастури тугагандан сўнг битирувчилар Давлат аттестацияси якунига биноан касб бўйича «бакалавр» даражаси берилади. Бунинг учун талабалар Ўқиш даврини якунида «Битирув малака иши» бажарадилар.

Малакавий иши мавзусининг долзарблиги. Мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг Ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини руёбга чиқариши, мамлакатимиз ёшларини ХХИ – аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган ҳар томонлама ривожланган шахслар етиб вояга етказиш учун зарур шарт – шароитлар ва имкониятларни яратиш бўйича кенг ислохотлар амалга оширилмоқда. Муҳандис – педагогларнинг малакасини баҳолашда институтни битиришдаги сўнгги босқич, яъни битирув малакавий ишини бажариш муҳим аҳамиятга ега. Шунинг учун КХК ларда чигит екиш сеялкалари мавзусини ўқитишда кластер усулиниқўллаш долзарб масалалардан биридир.

Битирув малакавий ишининг мақсади. кихкларда қишлоқ хўжалик екинларининг касалликлари ва зараркунандалари ҳамда уларгақарши кўраш мавзусини кластер стратегиясидан фойдаланиб ўқитиш услубини ишлаб чиқиш»

Мавзунинг объекти. Экинларнинг касалликлари ва зараркунандалари ҳамда уларгақарши кўраш машиналари.

Битирув малакавий ишининг илмий янгилиги. КХКларда қишлоқ хўжалик екинларининг касалликлари ва зараркунандалари ҳамда уларгақарши кўраш мавзусини кластер стратегиясидан фойдаланиб ўқитиш услубиниқўллаш.

Амалий ахамияти. КХКларда қишлоқ хўжалик екинларининг касалликлари ва зараркунандалари ҳамда уларгақарши кўраш мавзусини кластер стратегиясидан фойдаланиб ўқитиш услубини ишлаб чиқиш» мавзусини ўқитишда кластер усулини қўллаганимизда талабаларни мустақил фикрлашқобилияти ошади, Екинларни касалликлари ва зараркунандақарши кўрашиш машиналари, уларниқисмларини тузилиши, ишлаши ва вазифаси хақида тўлиқ тасаввурга эга бўладилар.

Битирув малакавий ишининг тузилиши, кириш, умумийқисм, технологикқисм, методикқисм, малакавий ишнинг самарадорлиги, хаёт фаолияти хавфсизлиги, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг мазмуни бет жадвал, расм ва адабиётлар рўйхатини ўз ичига олади.

1. Умумий қисм

Тўрақўрғон қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежи тавсифи

Қишлоқ хўжалигини ўрта бўғинида ишловчи малакали мутахассислар билан тўлароқ таъминлаш, ўрта махсус маълумотли кадрларга бўлган талабни қондириш мақсадида 1974 йил июлда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 870-Р сонли қарори ва Ўзбекистон қишлоқ хўжалик вазирлигининг 1974 йил 22 июлдаги 303-сонли буйруғига асосан Тўрақўрғон шаҳрида қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш техникуми (хозирги қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежи) очилди.

Техникум очилган биринчи 1974-1975 ўқув йилида фақат иккита бўлим, яъни «Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш» ва «Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш» бўлимлари бўлиб, ҳар бир бўлимга 60 нафардан, жами 120 нафар ўқувчи қабул қилинган еди.

Ўқувчиларга пухта билим бериш мақсадида тумандаги энг тажрибали ўқитувчилар ва малакали мутахассислар ишга таклиф етилдилар. Техникумнинг биринчи директори етиб, тажрибали раҳбар Нажмиддин Хушназаров тайинланди. 1986 йилда Чуст кўчасида қуриб битказилган хозирги коллеж комплексига кўчиб ўтилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 29 январдаги 22-сонли буйруғига асосан мазкур техникум Тўрақўрғон механика-иқтисодиёт коллежига айлантирилди ва янги бўлимлар очилиб, «Иқтисод», «Солиқ ва солиққа тортиш», «Бухгалтерия», «Хуқуқшунослик» йўналишлари буйича мутахассислар тайёрлана бошланди.

2000 йил 1 сентябрида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 406-сонли қарорига биноан ушбу ўқув юрти қайта таъмирланиб, Тўрақўрғон қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежига айлантирилди. Қайта таъмирлаш ва ўқув хоналарини янги жихозлар билан таъминлаш учун бир миллиард сўмга яқин маблағ сарфланди. Коллеж ўқувчилари ихтиёрига янги қурилган 200 ўринли ошхона, спорт зали, теннис корти ва қайта таъмирланган 900 ўринли ўқув биноси, 200 ўринли талабалар ётоқхонаси, ўқув-ишлаб чиқариш биноси топширилди. Коллеж директори етиб, техника фанлари доктори, профессор Набижонғуломович Бойбобоев тайинланди.

Хозир коллежда 87 нафар олий маълумотли ўқитувчилар ва муҳандис-педагоглар ўқувчиларга таълим-тарбия бермоқдалар. Шулардан 27 нафари олий тоифали, 15 нафари 1 тоифали, 13 нафари 2 тоифали ва 32 нафари малакали муҳандис-педагоглардир. Коллежда бир нафар техника фанлари доктори, икки нафар техника фанлари номзоди, икки нафар Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси, бир нафардан «ЎМКХ таълими» аълочиси, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» талабаларга фундаментал билим ва тарбия беришда жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар.

Хозир коллежда 6 та йўналиш буйича жами 1502 нафар талаба ўқимоқда. Шулардан 1024 нафари коллеж талабаси бўлиб, 171 нафар ўқувчи контракт-шартнома асосида кундузги бўлимда, 307 нафар ўқувчи сиртқи бўлимда тахсил олмоқдалар.

1.2 Малака таснифи.

Коллежда қўйидаги йўналишлар буйича мутахассислар тайёрланмоқда:

- Машина ва жихозларга техник хизмат кўрсатиш ва жихозларини ишлатиш ва таъмирлаш;

- қишлоқ хўжалигини электрлаштириш ва автоматлаштириш;
- қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сифатини назоратқилиш ва стандартлаш;
- Автотранспортларни ишлатиш ва таъмирлаш;
- Бухгалтерия хисоби;
- Молия.

Тўрақўрғонқишлоқ хўжалик касб-хунар коллежида ҳозирги кунда 21 та гуруҳ ўқувчилари танлаган касблари бўйича тахсил олмоқдалар.

Битирув малака ишини асослаш

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни биринчи босқичи даврида республикамизда академик лицейлар, касб-хунар коллежлари бунёд етилди ва уларнинг ўқув техник базалари замонавий ўқув жихозлари билан тўла таъминланди.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг 2002-2005 йилларга мўлжалланган иккинчи сифат босқичининг асосий вазифаларидан бири касб-хунар коллежлари учун Давлат тилидаги ўқувчиларни таълим бериш хисобланади.

Касб-хунар коллежларининг ҳар бир мутахассисликлари учун, аynиқса, касбий фанлардан адабиётлар таъминоти ҳозирча талаб даражасида эмас. Касб-хунар коллежлари учун яратилаётган адабиётларнинг янги авлоди касб-хунар коллежларини таълим стандартлари талабларига тўла жавоб бериши лозим. Бундан ташқари республикамизда амалга оширилаётган «Таълим ислохотлари» ни амалга ошириш лозим. Яратилаётган адабиётлар ва ўқувчиларнинг малакалари на фақат ўқувчилар аудиторияси учун, балки, ўқитувчилар учун ҳам мўлжалланган бўлиши лозим, яъни ўқитувчилар учун мавзуларни ва машғулотларни ўқишда лозим бўлган илғор услубий кўрсатмалар ҳам келтирилган бўлиши керак.

Касб-хунар коллежларида касбий фанлардан таълим берувчи ўқитувчиларни ҳам малакаси талаб даражасида деб бўлмади. Касб-хунар коллежларидаги бу муаммоларни ечиш мақсадида таянч олий ўқув юртлиқларида ўқитувчиларни малакасини ошириш кўрсатмалари ва бўлимлари ташкил етилди. Бундай бўлимларни ташкил етиш кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг сифат босқичини вазифаларини амалга оширишга қаратилган муҳим қадамлардан биридир.

Касб-хунар коллежларининг педагоглари таълим стандартлари, ўқув режалари ва фаннинг намунавий дастури асосида фаннинг ҳар бир мавзусига бағишланган дарс машғулотларини аниқ мақсадлар асосида режалаш малакасига ега бўлиши лозим.

Ҳар бир фанни намунавий ва ишчи дастурлари асосида ҳар бир мавзуга бағишланган дарс машғулотларини олиб бориш жараёнини лойихаласдан таълим жараёнини сифатини оширишни тасаввурқилиш мушкул.

Дарс жараёнини лойихалаш, яъни соддароққилиб айтганда режалаштириш, бу мавжуд адабиётлар, илмий техник журналлар ва ахборотлар, ўқув жихозлари, ўқитиш воситалари, кўргазмалиқуроллар ёрдамида ўқув ва таълим мақсадларига еришишни енг самарали йўлларида биридир.

Ҳозирги кунда дарс жараёнини режалаштиришга ва лойихалашга бағишланган кўплаб анжуманлар, ўқув кўрсатмалари ташкил етилиб, ушбу анжуманлар материаллари асосида услубий кўрсатмалар ишлаб чиқилмоқда ва таълим жараёнида кенг қўламда фойдаланилмоқда. Жумладан касбий ва техника фанларидан маърузалар матни, ўқувчиларнинг малакалари ва адабиётларни яратиш бўйича услубий кўрсатма вақўлланмалар

ишлаб чиқилди. Бироқ бундайқўлланма ва кўрсатмаларда техник фанларни ўзига хос томонлари етарли даражада очиб берилмаган ва ҳисобга олинмаган.

Таълим жараёнини сифатини белгиловчи ана шундай муаммоларни ҳал этиш учун касбий фанларни ҳар бири бўйича илғор педагогик технологиялар асосида касбий фанни ўқитиш услубларига бағишланган адабиётларни яратиш ва уларни кўплаб нусхаларда чоп этириш таълим жараёнида ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан биридир.

Битирув малака ишининг асосий мақсади КХКларда қишлоқ хўжалик екинларининг касалликлари ва зараркунандалари ҳамда уларга қарши кўраш мавзусини ўқитиш услубини ишлаб чиқиш бўлиб, юқорида келтирилган вазифаларни бажаришда бир кичикқадам бўлиб ҳисобланади деб ўйлаймиз.

Касб хунар коллежининг моддий-техника базасининг таҳлили

Коллежда ўқувчиларнинг соғлом ва баркамол бўлиб ривожланиши учун барча шарт шароитлар яратилган. Замонавий шаклда қурилган спорт зали, ёзги спорт ўйингоҳи, волейбол ва гимнастика майдончалари, теннис ата ии тир доимо талабалар билан гавжум.

Коллежда спортнинг 10 тури бўйича ташкил этилган тўғаракларга 800 дан ортиқ ўқувчи жалб этилган. Мунтазам равишда турли спорт мусобақалари, қизиқарли беллашувлар ўтказиб турилади. Коллеж спортчилари туман ва вилоят мусобақаларида фаол иштирок этиб, юқори кўрсаткичларга еришмоқдалар. 2001 йил Жиззах шаҳрида ўтказилган «Баркамол авлод» республика спорт мусобақаларида иштирок етган коллеж ўқувчилари «Фарғонача кўраш» бўйича 3 та олтин, 1 та кумуш, 2 та бронза медалларини кўлга киритиб, республикада 1 – ўринни егалладилар.

Коллежнинг ёш футболчилари жамоаси ҳам республика чемпиони шарафига ега бўладилар. 2003 йилда Андижонда ўтказилган «Баркамол авлод» спорт мусобақаларида эса 2 та олтин, 1 та кумуш, 2 та бронза медалларини кўлга киритиб Республикада фахрли 2 – ўринни эгалладилар.

Коллежда ўқувчиларни назарий билимларини амалда синаб кўриш, кўллаш, касбий кўникма ва малакаларини ривожлантириш учун барча шароитлар яратилган. Ўқув ишлаб чиқариш биносида «Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш», «Автомобиллар тузулиши», «Тракторларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш», «Чилангарлик», «Электр машиналари вақурилмалари», «Темирчилик», «Пайвандлаш», «Металларга механик ишлов бериш», «Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сифатини назоратқилиш» устахоналари ва «Мехнат муҳофазаси» хонаси ҳамда ёрдамчи хоналар ташкил этилган бўлиб, барча ўқувчилар ата ии жойлари ташкил этилган.

Ўқувчиларни иш жойлари инструктор карталар, керакли асбоблар, жихозлар, стендлар, иш кийимлари ва химоя воситалари билан таъминланган. Устахонада 10 дан ортиқ станоклар ёрдамида керакли деталлар тайёрланмоқда.

Ишлаб чиқариш талими сифатини янада ошириш мақсадида «Амалий таълим» кафедраси ташкил этилган бўлиб, бу кафедрага 4 нафар муҳандис – педагог ва 12 нафар ишлаб чиқариш таълими усталари бириктирилган. Барча касб усталари олий маълумотга ега бўлиб, уларни мунтазам тарзда малакаларини ошириб боришларига еришилмоқда. Шунунгдек, коллеж устахонасида кутубхона филиалига фаолият кўрсатмоқда.

Техникаларни бошқаришни пухта узлаштириш учун коллежда автодром ва жами 31 та техникага ега булган машина – трактор саройи мавжуд бўлиб, шундан 12таси турли

русумлардаги тракторлар, 7 таси юк машиналари, 3 таси енгил автомобиллардир. Шунингдек, пахта териш машинаси, булдозер,скрепер ва бошқа техникалардан амалда фойдаланилмоқда.

Кишлоқ хужалиги билан яқиндан танишиш, екинларни етиштириш технологиясини амалда кўриш, уларга ишлов беришни урганиш, турли синов ва тажрибалар утказиш мақсадида кулланиладиган 20 гектарлик укув дала хужалиги мавжуд булиб, ундан олинадиган даромад коллежнинг моддий – техника базасини кенгайтириш, коллеж уқитувчи ва укувчиларини ижтимоий химоя қилиш мақсадида сарфланмоқда.

Коллеж укувчилари уз билимларини ишлаб чиқаришда куллашлари учун Имкониятлар яратилмоқда. Барча ишлаб чиқариш, технологик, диплом олди Амалиётлари туманнинг йирик ширкат хужалиқларида, корхоналарида, ташкилот ва фирмаларида, автокорхоналарида ҳамда «Охангар» тракторларни тамирлаш,кўрук меваларни қайта ишлаш, пахта тозалаш заводлари ва бошқа Корхоналарда утказилмоқда. Илгор ишлаб чиқариш тлими устаси Китобхон Аскаронинг иштажрибаси вилоят УМКХТ бошқармаси томонидан оммалаштирилди.

Ишлаб чиқариш тлими устаси К. Аскарон «Автомобилларга» техник хизмат Кўрсатиш ва тамирлаш» укув амалиёти машғулотида.

Хозиргача коллежда 6000 дан ортиқ вилоят микёсида ўртача бугнда Ишловчи ммутахассислар тайёрланган булиб улар туманнинг турли Жабхаларида ситкидилдан меҳнат қилиб келмоқда. Жумладан А. Зоҳидов -Узбекистон Халқ демократик партияси туман кенгашининг биринчи китоби Т. Хамидов – тумандаги «Бобур» ширкат хужалиги раиси С. Раҳмауллоев тумани ИИБ ЙХХ ата ии бошлиги урин босари С.Чуянов Шаханд кишлоқ хужалиқ касв- хунар коллежи деректори уринбосри УМКХ та лими а лочиси С.Ахматов Ш.Сайтов–вилоят ИИБ ата терговчилари, Р. Исоков

Наманган муҳандислик-педагогика институтини ата укувчиси, А. Рухиддинов - вилоят ИИБ ЙХХ бошқармасида булим бошлиги булиб ишлаб коллежимиз обрусини кутармоқдалар.

Келажакда булим бошлиг булиб ишлаб, коллежимиз обрусини кутармоқдалар.

Келажакда коллежимизда Фаргона водийси буйича кишлоқ хужалиги агромуҳандис бакалаврлари тайёрлаш режалаштирилмоқда.

Хозир коллежда 42 та укув хоналари, 5 та лаборатория, 12 та укув устахоналари мавжуд булиб, улар яғи жихозлар билан таъминланди. Айниқса химия, физика, чизмачилик, электромеханика «Юл харакати қоидалари», «махсулотлар сифатини назорат қилиш» хоналари ва лабораториялари, 2 та лингафон хонаси, 3 та комп ютер синфи замон талаблари даражасида жихозланди. 2003 йилдан бошлаб коллеж халқаро «Интернет» тармоғига уланди. Бу еса таълим сифатини ошириш, таълимга масофали таълим тизимни киритиш, чет еллар кутубхоналаридаги дарсликлардан фойдаланиш, мул тимедиа тизими ва электрон дарсликлардан фойдаланиш, енг сунги Фан ва техника янгиликларидан хабардор булиш имкониятларини яратди.

«Таълим тугрисидаги» Конун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида меҳнат қилаётган коллеж жамоаси келажакимиз пойдевори булган хозирги ёшларга таълим – тарбия бери шва касб – хунарга ургатиш, Узбекистон Президентининг «Кишлоқ хужалигида ислохотларни чуқўрлаштиришнинг енг муҳим юналишлари тугрисида»ги Фармони ижросини таъминлай оладиган, рақобатбардош ва мавжуд муаммоларни

тадбиркорлик билан хал етадиган етук малакали мутахассислар тайёрлашдек шарафли ва масъулиятли вазифаларни сидкидилдан бажаришга интиломқдалар.

1.5. Касб хунар коллежидаги методик ишлар тахлили

Бугунги кунда коллежақишлоқ хўжалиги йўналиши бўйича тайёрланаётган кичик мутахассисларнинг билим даражасини янада ошириш, мустақил шуғулланишлари учун 25 мингдан зиёдроқ илмий – ўқув ва бадиий адабиётларга ега бўлган кутубхона ва замонавий ўқув зали мавжуд. Сўнгги йилларда ўрта махсус, касб – хунар коллежлари учун мўлжаллаб чиқарилган янги дарсликлар, услубийқўлланмалар, маърузалар матнлари билан ўқувчилар етарли даражада таъминламоқдалар. Шунингдек, ҳар бир ўқув хоналарида ҳам кичик кутубхоналар ташкил етилган.

Ўқувчилар дарсдан ташқари бўш вақтларини мазмунли ва самарали ўтказиш мақсадида, уларнингқизиқиши ва лаёқатларини назарда тутган ҳолда 16 та фан тўғараклари, ундан ортиқ спорт секциялари ва бадиий хаваскорлик, фотохаваскорлик тўғараклари ишлаб турибди.

Коллежда илғор педагогик тажрибаларни ва янги педагогик технологияларни таълим жараёнига татбиқ етиш ва улардан самарали фойдаланиш борасида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Коллеж ўқувчилари ва муҳандис – педагоглари ҳар бир дарсни ноанъанавий тарзда,қизиқарли, таъсирчан ўтишга интиломқдалар. Янги педагогик технология элементлари киритилган намунавий дарслар ташкил етилмоқда ва улар видеотасмага туширилиб, барча ўқитувчилар еътиборига хавола етилмоқда.

Ўқувчиларга Давлат таълим стандартлари талаблари даражасида билим бериш, ўқитувчиларни ўзаро тажриба алмашиши, педагогика янгиликларини таълим – тарбия тизимига тадбиқ етиш мақсадида коллежда 11 та кафедра тузилган бўлиб, кафедра мудирлари коллежнинг «Услубиёт хонаси» мудирлари билан ҳамкорликда самарали иш олиб бормоқдалар. Коллежнинг илмий – услубий салоҳияти ниҳоятда салмоқли бўлиб, коллеж ўқитувчилари томонидан яратилган усулбийқўлланмалар, маърузалар матнлари, услубий ишлар вилоятимиз касб – хунар коллежлари ўқитувчилари томонидан амалда фойдаланиб келинмоқда .

Айниқса коллеж ўқитувчиси Х Шағиахмедовнинг «Чизмачилик» фани бўйича яратган услубийқўлланмаси Республикамиз касб – хунар коллежларида фойдаланиш учун тавсия етилган адабиётлар рўйхатига киритилганлиги фахрлидир.

Айни пайтда коллежнинг олий ўқув юртлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқалари тобора ривожланиб бормоқда. Айниқса Наманган муҳандислик педагогика ва Наманган муҳандислик иқтисодиёт институтлари билан яхши алоқалар ўрнатилган. Наманган МПИ талабалари коллежда педагогик амалиётларини ўтайдилар, коллежимизни битирган иқтидорли ўқувчиларимиз шу олийгоҳда ўқишларини давом еттирмоқдалар. Олийгоҳнинг 2 та кафедраси филиали коллежда фаолият кўрсатмоқда.

Илғор педагогик технологияларни таълим жараёнига тадбиқ етиш ва улардан унумли фойдаланиш учун юқори малакали ўқитувчилар ва муҳандис – педагоглар талаб етилади. Коллеж ўқитувчиларининг педагогик маҳоратини ошириш, касбий билим вағоявий – сиёсий билимларини такомиллаштириш мақсадида педагогик ўқишлар, семинарлар, амалий конференциялар мунтазам ўтказиб турилади, ўқитувчиларнинг ўзаро дарс кузатиш ва тажриба алмашишлари, намунавий дарслар ташкил етилиши яхши йўлгақўйилган. Уқитувчиларнинг комп ютер саводхонлигини ошириш мақсадида махсус кўрс ташкил етилди. Коллеж ўқитувчилари вилоятимиз ва Республикамиз

олийгохларида малака ошириб келмоқдалар. Кўпчилик ўқитувчилар вилоят ЎМХКТ бошқармаси томонидан ташкил етилган доимий ҳаракатдаги малака ошириш кўрсларида малакаларини оширмоқдалар.

1.6. Ўсимликларни кимёвий ва биологик услублар билан химоялаш.

Ўсимликлар зараркунандалари ва касалликларига қарши кўрашнинг агротехник, кимёвий, биологик, механик, физикавий карантин усуллари бор.

Зараркунандаларга қарши химиявий кўраш усулининг моҳияти шундан иборатки, зарарли организмларга қарши турли химиявий моддалар, кўпинча улар учун зарарли бўлган моддалар (пестицидлар) қўлланилади.

Пестицидлар: 1) қўлланиш объектига, 2) зараркунанда организаций кириш усули ва таъсир этиш характерига, 3) химиявий таркиби ва хоссаларига кўра классификацияланади.

Қўлланиш объектига қараб классификациялашда пестицидлар қўлланиладиган объектига *боғлиқ* ҳолда группаланади: инсектицидлар — ҳашаротларга қарши кўрашда қўлланиладиган заҳарлар (латинча — инсектум — ҳашарот, сиде нобуд қилиш демакдир); зооцидлар — иссқонли ҳайвонларга, асосан “кемирувчилардан юмронқозик, сичқон ва доказоларга қарши; а к а р и ц и д л а р — каналарга қарши; л и м а н и д л а р — моллюскаларга; қарши; нематотицидлар — нематодаларга қарши; ф у н г и ц и д л а р — замбуругларга қарши; б а к т е р и ц и д л а р — бактерияларга қарши; г е р б и ц и д л а р — бегона ўтларга қарши кўрашишда ишлатилади.

Баъзан заҳарлар қарши қўлланиладиган бир қанча зараркунандаларнинг ривожланиш фазасига кўра бирлаштирилади. Масалан, ҳашаротлар тухумини ёки каналарни нобуд қиладиган заҳарлар о в и ц и д л а р деб аталади.

Заҳарнинг организмга кириш усулига ва таъсири характерига кўра пестицидлар қўйидаги груҳаларга бўлинади: ошқозон ичакка, яъни ичдан таъсир этадиган заҳарлар. Улар зараркунанда организмга ОҒИЗ органлари ва ошқозон-ичаклари орқали киради. Бу препаратлар, асосан, ОҒИЗ аппарата кемирувчи типда тузилган ҳашаротларга, шунингдек. Сичқонсимон кемирувчиларга қарши кўрашда қўлланилади. Контакт, яъни т а ш қ а р и д а н таъсир этадиган, ҳанк ротлар териси билан контактда бўлиш натижасида организмга кирадиган заҳарлар. Ф у м и г а к т л а р ҳашаротлар организмга нафас олиш органлари — трахея системаси орқали кирадиган газ ёки бур ҳолатдаги заҳарлардир. С и с т е м а л и, яъни у с и м л и к и ч и г а киритилган заҳарлар ўсимликларнинг най томир системасига кириб, бу система бўйлаб тарқалади. Бунда ўсимликлар шираси улар билан озикланадиган ОҒИЗ аппарати санчиб сурувчи типда тузилган зараркунандалар ва касаллик кўзгатувчилар учун заҳарли бўлиб қолади.

Юқорида айтилган ҳар икки классификация маълум даражада шартли ҳисобланади, Масалан, жуда кўп фосфор-органик бирикмалар ҳам инсектицид, ҳам акарицид ҳисобланади, Гексахлоран препаратлари ҳашаротларга комплекс: ҳам контакт ва ички заҳар ҳамда кам даражада фумигант сифатида таъсир этади.

Зараркунандаларга қарши кўрашда қўлланиладиган воситалар химиявий таркибига кўра жуда хилмахил бўлади. Инсектицидлар билан. Акарицидларнинг жуда кўп таркибида хлор тутувчи ва фосфорорганик бирикмаларга киради.

Пестицидлар турли усулда: пуркаб, чанглаб, захарли хўрак тайёрлаб, фумигация, газация, аэрозоль усулда, ўсимликларнинг ички терапияси усулида, уруғни экишдан олдин ишлаш (дорилах) усулида қўлланилади.

БИОЛОГИК КЎРАШ УСУЛИ

Зараркунандаларга қарши кўраш

Зараркунандаларга қарши биологик кўраш усули паразит ва йиртқич бўғимоёқлилардан ҳашарот ва каналар, микроорганизмлар, ҳашаротхўр қушлар ва йиртқич умўртақалилардан иборат табиий душманлардан фойдаланишга асосланган.

Энтомофаглардан фойдаланишдаги асосий йўналиш мавсумий колонизация, ареал ичида тарқатиш, иқлимлаштириш ва энтомофаглар фаолиятига таъсир этишдан иборат.

Мавсумий колонизация усули энтомофагларни лабораторияларда сунъий кўпайтириш ва маълум даврда уларни ёппасига қўйиб юборишдан иборат. Пардаканотлилар туркумига кирадиган тухумхур трихограммадан ана шундай усулда фойдаланилади. Трихограмма тухумини хужайинзараркунанда тухумига қуяди, бунда, асосан, у янги тухумни афзал кўради ҳар хил туркумга мансуб 80 дай ортиқ хужайин тури бўлиб, кўпинча тунламлар тухуми зарарланади). Трихограмма биологик лабораторияларда дон қуяси тухумида (ситотрогларда) урчитилади тухумхур 1 га ерга камида 50 та жойга тарқатилади. Тунламлар (кузги тунлам, қарам тунлами)га қарши кўрашда зараркунанда тухум қуядиган даврда икки муддатда қар 1 га ерга паразитнинг 15—50 минг индивиди тарқатилади. Маккажухори парвонаси, олма кўртаи ва қарам оқ капалагига қарши кўрашда ҳам трихограммадан фойдаланилади.

Ареал ичида тарқатиш усули энтомофагларни зараркунандаларнинг эски урчиш жойидан ареал ичида энтомофаг қали тупланиб улгурмаган янги жойга кучиришдан иборат) Чой усимлиги зараркунандаларидаи бири чой пульвинарияси ҳисобланади (тенг қанотлилар туркумига, ёстикчалилар ва сохта қончалилар оилаларига киради). Унга қарши кўрашда йиртқич қунғиз бўлган гипераспис (кокцинеллидлар оиласидан) тарқатилади, у зараркунанданинг тухуми билан личинкаларини йуқ қилади. Иқлимлаштириш усули мамлакатимиз дойрасида яшайдиган фойдали турларни кўпайтиришга имкон беради. Бунда паразит ва йиртқичлариинг янги янги турлари чет элдан келтирилиб иқлимлаштирилади.

Хавфли карантин зараркунанда — кометок кўртаига қарши кўрашда (тенг қанотлилар туркуми, унсимон кўрталар оилачидан) мамлакатимизга пардақанотлилар туркумидан бўлган паразит— псевдофикус келтирилган.

2. Технологик қисм

2.1. Ўсимликларни кимёвий химоя қилувчи машиналарнинг ҳозирги вақтдаги ҳолати ва ривожланиши

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ўсимликларни зараркунандалардан, касалланишларидан химояқилишда, дефоляция ва десикация ишларини сифатли ўтказиш, ўз навбатида машиналарнинг унумдорлигини ошириш вазифасиқўяди.

Маданий ўсимликларни зараркунандалардан, касаликлардан ва бегона ўтлардан химоя қилиш юқори ҳосил олишга йўналтирилган. Шу мақсадда комплекс агротехник, биологик ва кимиёвий тадбирлар ўтказилади. Бироқ, бизнинг ватанимизда ҳам хорижда ҳамқишлоқ хўжалик екинларини мустаҳкам химоясини таъминловчи кимёвий химоя қилиш усули ҳозирги вақтда асосий усул бўлиб ҳисобланади. Бирлашган миллатлар ташкилоти қошидагиқишлоқ хўжалик ва озик-овқат маҳсулотлари билан шугулланувчи бутун дунё ташкилотининг ҳисобларига кўра, хашорат-зараркунандалар ва касалликлар ҳосилдорликнинг тўртдан бир қисмини йўқотади [1].

Химоялаш тадбирларини ўтказиш натижасида ер шарида бир йилда 35-40 млрд. Сўмдан кўп ўсимлик маҳсулотлари ишлаб чиқилиб, 6-8 марта кам ҳаражат сарфланади [2].

Юқорида кўрсатилганқишлоқ хўжалигида зараркунандаларга қарши кўраш пахтачиликда муҳим аҳамиятга эга.

Бизнинг республика дунёда пахта етиштириш бўйича етакчи ўринларидан бирини егаллайди (1 жадавъл).

Ҳозирги вақтда пахтачиликни ривожланишида енг оғир иш пахтани териб олиш ҳисобланади, шунинг учун пахтани машина териш пахтачиликни комплекс механизациялаштиришда муҳим ўрин тутаяди. Бу еса машина теримини ўтказиш учун ўз вақтида ва сифатли дефоляция ўтказишга боғлиқ бўлаяди. Бу тадбир сўнги ва муҳим усул бўлиб, пахтани қандай усул билан теришга боғлиқ емас. Бу тадбир пахта кўсагини 10-15 кун олдин очилишини тезлатиб, ҳосилнинг 90% ни совуқ кунлар бошлангунча териб олиш имконини беради, пахта териш машиналарининг иш унумдорлигини 10-15 %, кўл теримини иш унумдорлигини еса 15-20 % гача ортиради, пахтани нобуд бўлишини ва қамлигини қамайтиради. Юқорида кўрсатилганлардан дефоляция учун сарфланган ҳаражатларни тўлақолаб, бир йилда кўшимча 5-8 сўмга фойда келтиради.

2.2 Ўсимликларни кимёвий химоя қилувчи машиналарнинг ҳозирги вақтдаги ҳолати

Дунёда ўсимликларни кимёвий химоя қилувчи машиналарнинг турли хил конструкциялари мавжуд: улар бир-бири билан конструкциясига, иш унумдорлигига ва иш сифатига кўра фарқланади.

Бундай машиналар асосан Россияда, Францияда, АКШда, Буюк Британияда, Венгрияда, Германияда, Японияда, Голландияда ишлаб чиқилади.

1 жадавъл

2006-2010 йилларда дунё бўйича мамлакатларда пахта етиштириладиган екин майдони,
хосилдорлик ва олинган тола

Мамлакатлар	Екин майдони минг га.	1 га дан олинадиган хосилдорлик	Олинган тола минг т.
Дунё бўйича	33247	425	13938
Ўзбекистон	2975	929	2904
АҚШ	5339	588	3144
ХХР	4856	486	2163
Хиндистон	7487	157	1171
Покистон	1781	293	520
Туркия	789	714	564
Бразилия	2023	247	499
Египт	508	671	401
Мексика	386	899	347
Ерон	299	615	184
Судан	437	372	163

Манба: Халқаро пахтачилик маслаҳати комитети бюллетени (МКХК).

Хозирги вақтда йигим-теримдан аввал дефоляция килиш тадбирлари АН-2 ва ЯК-12 русумдаги самолётлар ёрдамида - самолётлар учун зараркунандаларга қарши захарли модда сепиш учун мослама” ва “Қишлоқ ва Ўрмон хўжалигида зараркунандаларга қарши аэропулкагич” билан Ўтказилмоқда. Фақат Ўзбекистонда Ўзида 1983 йили хаводан 2,5млн. гектар ерга дефоляцияқилинди.

Қишлоқ хўжалик авиациянинг ютуғи шундаки, самарадорлик жуда юқори АН-2 самолётнинг енг катта коплаш кенглиги 5-7 м баландликда, 160кмгс тезликда 25м ерни коплайди. Бу усул билан 90 % дан кўпроқ ерга ишлов беради. Бироқ бундай кўрсаткичларга ега бўлиши билан самолётда дефоляцияқилиш бирқатор жиддий камчиликларга ега:

- захарли чангли дисперцияси етишмайди
 - нотекископланиш ва йўқотишлар
 - пахта кўчатининг фақат усткиқисмларигақоплаши натижасидақайта дефоляция
- Ўтказиш кераклиги
- бир марта учишини киматлиги
 - учиш баландлигининг бир хил бўлмаслиги
 - тез-тез даланинг бошланиши ва охирида баланд дарахтлар бўлганлиги сабабли учиш баландлигини Ўзгартириши
 - Қўшимча бошқарувчини зарурлиги;
 - атроф-мухит ва атмосферанинг ифлосланиши;
 - захарли химикатларнинг инсон саломатлигига, хайвонларга салбий таъсири, сув иншоатларини захарланиши ва хоказо.

Юқорида кўрсатилган камчиликларни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон республикасида пахта далаларини ерда кимёвий ишлов бериш усулига ўтиш масаласиқўйилган. Ерда ишлов берадиган машиналарнингқулайлиги шундаки, сочишқурилмаси захарли химикатларни тўғридан-тўғри пахта даласида, кичик шамол тезлигида сочади. Бу еса ерда юрадиган машиналарда кучли шамолда ҳам дефоляцияни Ўтказиш имконини беради.

2.3. қишлоқ хўжалик екинларининг касалликлари ва зараркундалари ҳамда уларга қарши кўраш машиналари

Бундай усулда ишлов бериш қишлоқ хўжалигида турли хил конструкциядаги машина ва механизмларнинг Ўзиюрар, тиргакли ва осма турларидан фойдаланиш имконини беради. Ўзиюрар машиналар кабина, бошқарув системаси ва узатмаларга ега бўлган агрегатдан иборат, улар фақат пуркагич сифатида ишлатилади [1], улар вентиляторли ва штангали тайёрланади. Бизда Ўзиюрар пуркагичлар 1950 йил бошланишида маълум еди [2].

Бундай машиналарнинг чанглатувчилари етишмасли туфайли ҳозирги вақтга кенг тарқалмаган. Франциянинг «Еврард» фирмаси томонидан тайёрланган Ўзиюрар пуркагич ОР-4000 қишлоқ хўжалигида пуркашдан ташқари бошқа ишларда фойдаланиш мумкин емас.

Тиркамали пуркагичларни асосан турлича қамров кенгликли вентиляторли ва гидравлик икки тури ишлаб чиқилган.

Замонавий штангали пуркагичлар кўтариб турувчи каркастан, пуркагич билан гидравлик тармоқдан, осиб системаси ва стабиллаш кўрилмасидан иборат [8-расм]. Бизда штангали типдаги турли хил конструкциядаги пуркагичлар мавжуд [4]. Бу штангали пуркагичларда самарадорлигини ошириш мақсадида пуркаш кенглигини ошириш, шунингдек транспорт ҳолатидан ишчи ҳолатга тез ўтказиш учун унинг консол канотлари телескопик кўринишидаги трубадан ясалган.

Осма штангали пуркагичларнинг қулайлиги шундаки, улар билан ишлашда бир текис чанглатиш таъминланади, яъни барча пуркаш кенлигида захарли химикатларнинг зичлиги ва тақсимланиши бир текисда бўлади. Бироқ бундай қулайликларга ега бўлишига қарамай, у бир қатор жиддий камчиликларга ега:

- жуда кўп чангитгич-наконецниклар талаб етади, бу еса чангитувчи-наконецникларни ишламай қолишини кўпайтиради, чунки наконецникларга тиқилиб қолади

- маневрининг кичиклиги, бурилиш радиусининг катталиги;

- ишлов бериладиган объект рел ефиданқатий назар штангани бир хил баландликда тутиб туриш учун стабиллаш қурилмасини муҳимлиги

- пуркагич–наконецникларни бутун штанга узунлиги бўйича солашни талаб етиши, пуркагич–наконецникларнинг қадами ишчи суюқликни тақсимланиш сифатига таъсир етади

- чангитувчи қурилмани етишмаслиги.

Осма вентиляторли пуркагичларнинг ўқли вентиляторли ва веер тирқишли кўринишдаги қўлланилади. Бундай машиналар бир-бири билан ҳаво оқими параметрлари, ишчи органнинг конструкцияси билан фарқланади.

Осма пуркагичлар марказдан қочма вентиляторли базасида хорижий давлатларда ҳам кенг тарқалган. Франциянинг «Айрфло» русумидаги пуркагичда ишчи орган Вентура сопласи кўринишда ясалган.

Далада йўналтирувчи сочиш усули билан ишлов беришда ишчи орган бита Вентура сопласи билан бирга “Ўлик” зонага ишлов бериш учун бир қанча қўшимча кичик диаметрли соплалар кўринишда тайёрланади

Хориж фирмаларининг шундай соплolik ишчи органига ега бўлган моделлари горизонтал текисликда тебранма ҳаракатланади.

Марказдан кочма вентиляторли базасида ясалган осма пуркагичлардан бири ишчи органи тиркишли соплолиги хисобланади. Хорижда бундай пуркагичлар жуда кам. Ўкли вентиляторли базасида веер типдаги ишчи органли одатдаги пуркаш меъёрили ва Вентура соплолигини марказдан кочма одатдагидан кам меъёрда сарфлаши билан кенг тарқалган [6].

Монтажқилинган машиналар ҳам осма машиналар каби ясалган, бироқ монтажқилинган пуркагичлар кўп қисмини ташкил этади. Машинанинг бундай туридан хорижда турли хил конструкцияларидан кўлланилади, махсус трактор таянч «Унимоч», махсус ўтиргич платформали трактор «Мерседес-Бенц» фирмаси.

Монтаж қилинган пуркагич трактор ВОМ дан ёки автомобилдан узатмага ега. Гидравлик ва вентиляторли қилиб тайёрланади ва асосан очик майдонга пуркаш ишларида кўлланилади

